

йўллари зарарланиши, диарея, қусиш, организмда электролитлар ва суюқликнинг кескин камайиб кетиши, сувсизланишнинг ҳар хил стадиялари кузатилади, гиповолемик шокка тушиши ва ўлим ҳолатигача олиб келиши мумкин. Мевалар пўстида (айниқса букри пашша банан ва цитрус меваларни хуш кўради) личинкалар ривожланиб яралар орқали организмга ёки шилимшиқ қаватига тушиб, тери остида миазалар ҳосил қилиб ривожланишни бошлайди.

Миазалар нима?

Миаза-энтомоз группага оид паразит касалликлар бўлиб, пашша личинкалари чақирувчиси ҳисобланади, одам ва уй ҳайвонлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари организми тўқималарида ёки бўшлиқларида пайдо бўлади. Касаллик оқибатида эшитиш ёки кўриш қобилиятини йўқотиш ёки шу каби салбий оқибатлар вужудга келади. Чиришни бошлаган мевалар, соя, пишлоқ, ун, қуритилган балиқ

маҳсулотлари ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ушбу пашша личинкалари кўпайиб ривожланиши учун қулай шароит ва энг яхши муҳит ҳисобланади.

Ушбу пашша тез кўпайиш хусусиятига эга, 1 авлод бериши учун 15 кун муддат етарлидир. Букри пашша иссиқ хонадонларда, омборхоналарда ва ертўлаларда яшаб қолади.

Пашшанинг ушбу тури Россия Федерациясига Туркиядан келтирилган цитрус мевалар билан бирга кириб келган.

Табиийки, асосий жанубий порт Россия Федерациясида Новороссийск ҳисобланади. Ушбу шаҳардан кириб келган зарарли ҳашарот кейинчалик зарарланган маҳсулотлар билан бирга бошқа ҳудудларга кириб борган.

Бу зараркунанда савдо алоқаларига кучли зарар етказишни ҳисобга олган ҳолда 2014 йилдан бошлаб Россия Федерациясида карантин организм деб эълон қилинган. Агар маҳсулотлар

контейнерларга етарлича герметик ёпилмаган ҳолда юкланган бўлса, ушбу ҳашарот зудлик билан тухум қўя бошлайди.

Букрипашша – бу 2-3 мм катталиқдаги сапрофит ҳашарот бўлиб, ташқи кўриниши энг кўп тарқалган қизил кўзли дрозифилл пашшасига ўхшайди, лекин унинг кўзи қора, танаси эса кўкраги аниқ “букрайган” ҳолатда бўлади. Югуриб тўхтаб, югуриб тўхтаб ҳаракатланади. Узоқдан сакраб-сакраб юраётган ҳолатда кўринади.

Ўзбекистон Республикасида бу ҳашарот учрамаганлиги, мамлакатимиз ҳудудига кириб келмаганлиги учун карантин организм ҳисобланади.

М.Алимов,
“Ўздавкарантин” инспекцияси,
Ўсимликлар карантини илмий
маркази,
Ё. Тошева,
ЎҲҚТИ

УЎТ.632.654.632.7.

Ўқинг, оғоҳ бўлинг

КЕМИРУВЧИЛАР – ЗАҲИРА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЗАРАРКУНАНДАСИ

Аннотация: Мақолада кемирувчиларнинг зарари, серпушт-лиги, фаол тарқалиши ҳамда уларга қарши самарали кураш чора-тадбирлари баён этилган.

Калит сўзлар: Кемирувчилар, каламуш, сичқон, озиқ-овқат, мавжудот, серпушт, заҳарли ем, кимёвий усул, самара

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – пахта, ғалла, маккажўхори, арпа, сули, гурунч, пилла, қуритилган мевалар ва бошқа неъматлар омборхоналарда бир неча ойлар, айрим ҳолларда йиллар давомида сақланади. Уларни ҳашаротлар қатори турли ҳавфли касалликларни ташувчиси, тарқатувчиси ҳисобланган кемирувчилардан сақлай олиш ҳам катта муаммо ҳисобланади. “Очкўз, еб тўймас каламушчанинг зарари унинг курак тишлари билан нима учраса ҳаммасини йиртиб, кемиришида, ўзидан чиқадиган бадбўй ҳиддан ҳамма нарса истеъмолга яроқсиз

бўлиб қолишидадир,” деган эди буюк рус кимёгари Д. Менделеев.

Унутманг, дон ва дон маҳсулотларини заҳирага қўйишдан олдин омборхоналарни яхшилаб тозалаш, дезинфекция қилиш, маҳсулот сақланадиган объектларга кемирувчиларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик зарур. Кемирувчилар ўта олмаслиги учун муҳофаза қилинадиган майдоннинг атрофи 2-3 метр кенгликда ҳимоя воситалари билан ишлаб чиқиши керак. Омборхона пол ва деворлари цементланиб ҳеч қандай тешиги бўлмаслиги, эшиклар зич ёпиладиган бўлиши керак. Шунингдек омборхонаю

маҳсулотлар сақланадиган жойни доимо назоратда тутинг, токи бу ерда кечирувчи ва бошқа жонзотлар учрамасин.

Кемирувчилар омборхона ва биноларга, вагонларга кириб қолган бўлса бас, қисқа муддат ичида сақланаётган дон маҳсулотлари, ун, қандолат, чигит, пилла ва бошқа маҳсулотларни зарарлайди. Шу жойларда уларнинг яшашига, кўпайишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда кемирувчиларга кураш олиб бориш қийинлашади. (улар серпушт, янги жойга тез ўрнаша оладилар, қулай шароит бўлса тез кўпаядилар)

Миришкор Сайфутдинова Хонзода номли фермер хўжалигининг 2 та омборхонасида заҳирадаги буғдой ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кемирувчилар билан зарарланганлиги аниқланди.

1- Жадвал. Каламушларга қарши кимёвий препаратларнинг самарадорлиги. Тошкент вилояти Зангиота тумани “Миришкор Сайфуддинова Хонзода” ф/х.

№	Вариантлар	Тайёрланган заҳарли ем	Самарадорлик, кунига				Жами
			3	7	14	21	
1	Бромаделон	1 кг буғдойга (40 гр)	2	1	3	1	7
			28,8%	14,2 %	42,8%	14,2 %	100%
2.	Ракумин	Буғдой дони ва заҳар миқдори (1кг 40 гр)	1	2	1	2	6
			17,0%	33,0 %	17,0 %	33,0 %	100 %
3.	Назорат	-	6	6	6	6	6

“Бромаделон” родентицидини 1 кг буғдой донига 40 гр. қўшиб алдоқчи ем тайёрлаб қўйилган вариантларда самарадорлик тажрибанинг учинчи кунда 28,8%, 7-, 14- кунларида 14,2 – 42,8% гача натижа берди. Омборхоналарда учрайдиган каламушларга қарши

курашда ишлатилган “Бромаделон” ва “Ракумин” родентицидини буғдой донига аралаштириб тайёрланган алдоқчи хўракни самарадорлиги тажрибанинг 21 кунда 100%ни ташкил этди.

Ёдингизда бўлсин, маҳсулотларни ўз вақтида кемирувчилардан

тўғри ҳимоялашни режалаштириш ва амалиётда қўллаш уларнинг сонини камайтиришда ўта муҳимдир.

**Л.Мирмақсудова, С.Якубова,
М.Раззаков,
ЎҲҚИТИ**

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Траханов Д.Ф. – *Борьба с грызунами по животноводческих фермах.* Изд. “Колос” . М.1967.

2. Поляков И.Я. – *Вредные грызуны и борьба с ними.* Изд. Колос. Л. 1968. 28-32 стр.

3. Никитенко С.Г. – *Мышная напость . Ж.Защита растений № 12 .1992.,ст.18.*

4. Россельхоз центр – *Мышевидные грызуны. Ж.Защита и карантин растений,2014 № 2., стр.30.*

5. Яхонтов В.В. – *Вредители с/х растений и продуктов Средней Азии и борьба с ними.* Ташкент,1956г.

6. Плотников В.И. и др. – *Главные вредители и болезни с/х растений в Средней Азии и борьба с ними.,1932г.*

УЎТ:633.379.632.488

Тадқиқот натижалари

ЛОВИЯДА ФУЗАРИОЗ ИЛДИЗ ЧИРИШ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Аннотация: В статье изучено распространение фузариозных корневой гнили на фасоле в Ташкентском и Наманганском областях.

Калит сўзлар: дуккакли экинлар, ловия, фузариоз илдиз чирши, касаллик, уруғдориллагич препаратлар.

Ловияда учрайдиган асосий касалликларининг турлари, тарқалиши, ҳосилга келтирадиган зарари, шунингдек касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиб, ўз вақтида қарши кураш орқали ҳосилни сақлаб қолиниши жуда муҳимдир. Бу нафақат ички бозорга, балки экспортбоп маҳсулот етиштиришда катта аҳамият касб этади.

Ловияда асосан оддий бактериоз, фузариоз, антракноз ва склеротиниоз сингари замбуруғли касалликлар учрайди (Русских, 2012). Фузариоз илдиз чирши касаллигининг 7 та тури аниқланган. Замбуруғнинг 1А, 2, 3 ва 4 турлари Ҳиндистонда ва 0, 1А, 1В/С, 5, ва 6 турлари АҚШ ва Испанияда аниқланган (Barve et al., 2001, Kelly et al, 1994).

Республикамизнинг табиий географик шароити, тупроғи ва иқлими касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг ривожланишига ва тарқалишига тўлиқ имконият яратади. Касалликларга қарши кураш чоралари ўз вақтида олиб борилмаса ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши орқада қолади, ҳосилдорлик пасайиб, маҳсулот сифати ёмонлашади, баъзан ўсимлик бутунлай қуриб қолади.

Ловияда фузариоз илдиз чирши касаллигини тарқалиши ва касаллик ривожини ўрганиш мақсадида Тошкент ва Наманган вилоятларида тажрибалар ўтказилди.